



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

6 ЖИЛД, 9 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 6, НОМЕР 9

LOOK TO THE PAST

VOLUME 6, ISSUE 9



ТОШКЕНТ-2023

Бош муҳаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош муҳаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент кимё - технология институти

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Гофоров Шокир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариши муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Халикова Рахбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор
Қариши давлат университети

Махкамova Надира Раҳмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафаева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Джоробекова Айнуэр Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозоғистон дипломатия академияси

Раҳмонкулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Расулов Абдуллажон Нуриддинович
тарих фанлари доктори, профессор
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмудалиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Алнева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Санпова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети


Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc)
Ўзбекистон Миллий университети

Худайкулов Тулқин Дўстбобоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз далаат педагогика институти

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари буйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети


1. Гулчеҳра Агзамова ТУРКИСТОН ХОНЛИКЛАРИ: КЕМАЛАР ВА КЕЧУВ ВОСИТАЛАРИ ТАРИХИДАН (XVI-XIX АСР ЎРТАЛАРИ).....	4
2. Quvonchbek Boboxonov BRONZA DAVRI AHOLISI TURAR-JOYLARI ARXEOLOGIK TADQIQOTLAR NATIJALARIGA DOIR BA’ZI BIR MULOHAZALAR.....	12
3. Elyorjon Karimov XX ASRNING 50-YILLARIDA O‘ZBEKISTON AHOLISI TURMUSH-TARZINING UMUMIY HOLATI (QASHQADARYO VILOYATI MISOLIDA).....	19
4. Alisher Ismailov FAN MUZEYLARINING SHAKLLANISH TARIXIDAN.....	24
5. Дилшод Комолов ЎЗБЕКИСТОН ССР СУД ТИЗИМИ ТУРФУНЛИК ЙИЛЛАРИДА.....	31
6. Абдукаҳҳор Маҳмудов ЧУСТ ПИЧОҚЧИЛИГИ ТАРИХИ, ЎЗИГА ХОСЛИГИ ВА АНЪАНАЛАРИ.....	44
7. Жонибек Мустафоев НАВОИЙ ВИЛОЯТИДА ТЕРГОВ ГУРУҲИ ТОМОНИДАН “ПАХТА ИШИ” ҚАТАҒОНИНИ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ ВА УНИНГ ФОЖЕАЛИ ОҚИБАТЛАРИ.....	50
8. Ҳаҳуо Омонов NAMANGAN OBLASTIDA OZIQ-OVQAT SANOATINING RIVOJLANISHI (1924-1945 уу).....	59
9. Жамшид Пиримкулов XIX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИДА ТОШКЕНТ ЗАРГАРЛИК МАКТАБИ.....	67
10. Xumora Pozilova TIRNAV BEZAK BERILGAN SOPOL BUYUMLARDA SEMANTIKA MASALALARI (FARG’ONA VODIYSI MISOLIDA).....	73
11. Дилнавоз Раҳматова “ПАХТА ИШИ” СИЁСАТИНИНГ ҚОНУНСИЗЛИКЛАРИГА БАРҲАМ БЕРИЛИШИ.....	82
12. Dilnoza Tog’ayeva YEVROOSIYO MINTAQASI XAVFSIZLIGI: TUSHUNCHA VA MOHIYATI (XIV – XV ASRLAR ORALIG’IDA).....	87



Жамшид Пиримкулов,
Ўзбекистон тарихи давлат музейи
Тошкент филиали бўлим мудири
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
jamper180888@gmail.com

XIX АСР ИККИНЧИ ЯРМИ – XX АСР БОШЛАРИДА ТОШКЕНТ ЗАРГАРЛИК МАКТАБИ

For citation: Jamshid Pirimqulov. Tashkent jewelry school in the second half of the XIX - early XX centuries. Look to the past. 2023, vol. 6, issue 9, pp.67-72

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.8330518>

АННОТАЦИЯ

Мақолада Россия мустамлакачилиги даврида рус тадқиқочилари томонидан Тошкент худудида табиий бойликлар кўламини аниқлаш бўйича олиб борилган илмий экспедициялар таҳлил этилган. Шунингдек, унда рус тадқиқотчиларининг ўлка анъанавий заргарлик фаолиятига оид изланишлари ёритиб берилган. Хусусан, унда XIX асрнинг иккинчи ярми – XX асрнинг бошларида маҳаллий заргар усталарининг фаолияти, ясаган заргарлик буюмлари, устоз-шогирд анъаналари, худудий заргарлик мактабларининг бир биридан фарқи томонлари, заргарларнинг ижтимоий аҳволи ҳақида сўз юритилган.

Калит сўзлар: зирак, чоч попук, баргак, тиллақош, тумор, бурун булок, билак узук ва б.

Жамшид Пиримкулов,
Заведующий отделом Ташкентского филиала
Государственного музея истории Узбекистана
доктор философии по историческим наукам (PhD)

ТАШКЕНТСКАЯ ЮВЕЛИРНАЯ ШКОЛА ВО ВТОРОЙ ПОЛОВИНЕ XIX-НАЧАЛЕ XX ВЕКОВ

АННОТАЦИЯ

В статье анализируются научные экспедиции, проведенные российскими исследователями для определения масштабов природных богатств Ташкентской области в период русского колониализма. В нем также освещаются труды российских исследователей, посвященные традиционной ювелирной деятельности региона. В частности, на нем обсуждалась деятельность местных ювелиров во второй половине XIX - начале 20 веков, изготовление ювелирных изделий, традиции между мастерами с подмастерьями, аспект отличия друг от друга региональных ювелирных школ, социальное положение ювелиров.

Ключевые слова: серьги, привески к косам, диадема, футляры для амулетов, кольца для носа, браслеты и т.п.

Jamshid Pirimqulov,
Head of department, Tashkent branch
State Museum of History of Uzbekistan
Doctor of Philosophy in Historical Sciences (PhD)

TASHKENT JEWELRY SCHOOL IN THE SECOND HALF OF THE XIX-EARLY XX CENTURIES

ABSTRACT

The article analyzes scientific expeditions conducted by Russian researchers to determine the extent of the natural resources of the Tashkent region during the period of Russian colonialism. It also highlights the works of Russian researchers devoted to the traditional jewelry activities of the region. In particular, it discussed the activities of local jewelers in the second half of the XIX – early XX centuries, jewelry making, traditions between craftsmen and apprentices, aspects of the differences between regional jewelry schools, the social status of jewelers.

Index Terms: earring, braid charms, diadem, amulet cases, nose rings, bracelets, etc.

1. Долзарблиги:

Қадим замонлардан Туркистон ўлкасидаги аҳоли турмуш тарзида ҳунармандчиликнинг кўплаб тармоқлари жамият ҳаётида муҳим ўрин эгаллаган. Бу биринчи навбатда минтақа халқларининг меҳнат қуролларига заруриятдан десак, иккинчи тарафдан, уларни чуқур таҳлил қилиш орқали маҳаллий аҳолини юксак дидга эга халқ сифатида намоён қилади.

2. Методлар ва ўрганилганлик даражаси:

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб, ўлкада Россия империяси ҳукмронлиги ўрнатилгач, маҳаллий аҳолини бошқариш мақсадида унинг турмуш тарзини ўрганган рус маъмурлари ҳисоботларида ҳар бир жабҳа сингари, ҳунармандчиликка ҳам катта эътибор қаратилганлигини кўршимиз мумкин. Айниқса, Н.А. Маев [3], А.П. Хорошхин [4], М.А. Тереньтев [2], И.И. Гейер [8], Г. Головин [9] синглари тадқиқотчилар асарларида анъанавий ҳунармандчиликнинг деярли барча тармоқларига тўхталиб ўтилган.

Мазкур тадқиқотчиларнинг пировард мақсади, ўлка бойликларини аниқлаш, уларга эга бўлиш ҳамда назоратни қўлга олишдан иборат эди. Бу борада, айниқса, заргарлик соҳаси батафсил ўрганилганлиги фикримизни асослайди. Дастлабки ўлка маъмурлари орасида қимматбаҳо металллар ўрин олган манзилларни аниқлаш борасида экспедициялар ташкил этилгани ҳам бежиз эмас эди.

Ҳусусан, 1866-1870 йилларда Чирчиқ дарёсини ўрганиш учун олтинфуруш С.О. Соловьев раҳбарлигидаги экспедиция жўнатилган [1]. Дарё бўйидаги тупроқ таркиби ўрганилиб [5], унинг муҳим элементлари қимматбаҳо металллар қоришмасига бойлиги аниқланган. Минтақадаги тоғлардан оқиб ўтувчи Келес, Угом, Оҳангарон сингари бошқа дарё ўзанларида олиб борилган тадқиқотлар [7] хулосаларида мис, темир, кўрғошин, кумуш, олтин ва бошқа рангли металллар мавжудлиги аниқлангач [10], Тошкент вилоятидаги тоғ ва тоғоли манзиллар рус маъмурлари назорати остига олиниб, у ерларда рус манзилгоҳлари вужудга келган.

Бундан ташқари, рус тадқиқотчилари томонидан ўладаги заргарлик йўналиши бўйича ҳам изланишлар олиб борилган бўлиб, хусусан, И.И. Гейер бу масала оид бир қанча тадқиқотларни эълон қилган [6; 8]. Унинг қаламига мансуб “Туркистон” асарида Тошкент заргарлиги фаолияти батафсил ўрганилганлигини кўришимиз мумкин. Унинг қайд этишича, Тошкентнинг эски шаҳар қисмида тахминан 40 га яқин заргарлик дўконлари бўлган [8]. Улар асосан, бозор расталари яқинидан ўрин олган. Лекин, бу шаҳардаги барча заргарларни сонини англатмаслигини эътироф этган. Чунки, муаллиф кўплаб бу соҳа вакиллари асосан, ўз хоналарида фаолият юритганлигини кузатган. Маҳаллий оқсоқоллар маълумотлари асосида,

муаллиф Тошкентнинг эски шаҳар қисмида ўртача 70 га яқин заргарлар бўлганини ҳам қайд этиб ўтган [8].

3. Тадқиқот натижалари:

Маҳаллий эркаклар асосан кумушдан тайрланган заргарлик буюмларидан фойдаланганлар. Ва мазкур буюмлар қаторига асосан, узук, белбоғлар учун тўқалар ва нишонлар кирган. Аёллар учун узукдан ташқари, зирак, билакузук ҳамда бўйинтумор каби тақинчоқлар ясалган [8].

Муаллиф тақинчоқлар ҳақида тўхталиб ўтар экан, уларнинг ҳар бири ҳақида, турларга ажратиб изоҳлаб берганини кўришимиз мумкин. Жумладан, муаллиф зирак, чочпопук, баргак, тумор, бурун балдоқ, билак узук, паранжи тугма ҳақида маълумотларни тақдим этган.

Хусусан, *зираклар* ҳақида тўхталиб ўтар экан, муаллиф уларни бир неча турларга бўлинишини қайд этиб ўтган [8]. Энг асосий турлари бу ишлаб чиқарилган манзилига кўра, тошкент зирак, самарқанд зирак каби турларга бўлса, яна бир жиҳатдан улар кенг тарқалган худудлар кесимидаги турларга бўлинганлигини эътироф этган. Жумладан, ноғай зирак, қозоқ зирак кабиларга бўлинишини ҳам қайд этган. Муаллиф наздида тошкент зираклари самарқанд зирақларига жуда ўхшаш бўлиб, катта юққа халқа остида учтадан бештагача кокилга эга, халқанинг юқори қисмида эса, қулоқ учун тақини ўрин олган. Самарқанд сирғаларидаги маржонларнинг асосий компонентини кумуш симга осилган ромбик тешикка эга икки ёки учта ичи бўш шарлар ташкил этса, тошкент сирғаларининг маржонлари таркиби ранг-баранг шиша ва эмалдан иборат бўлиб, уларни кумуш билан қопланган қисмлар ушлаб туради. Татар зирақларида эса, осилган халқанинг ўрнини овал ёки думалоқ кумуш пластинкага мустаҳкамланган илгак эгаллайди, унинг марказида жуда катта фируза рангли шиша мустаҳкамланган. Бу пластинкага иккита халқада шиша ва фирузага эга иккинчи ундан каттароқ пластинка бириктирилган. Татар зирақларида учинчи илгак ҳам мавжуд. Зираклар орасида энг содда ва кўрками қирғиз (қозоқ) зирак. У маржон ёки кўп қиррали пирамидадан таркиб топган бўлиб, анча қалин ўзакка қотирилган. Шу каби кўпол тузилмасига кўра, бу зираклар нафис шаҳар зирақларидан тубдан фарқ қилган.

Асарда шунингдек, *чоч попуқ* тақинчоғи ҳақида ҳам тўхталиб ўтилган бўлиб, уни тадқиқотчи кокил учун маржонлар деб тушунтирган [8]. Уларни ичи бўш конус ёки цилиндрга ёпиштирилган маржонлардан иборат эканлигини қайд этган. Асарда мазкур тақинчоқ турли нақшинкор қолиплар ёрдамида ўйиб тайёрланиши, кумуш маржон орқали қора лента ўтказилиб, пастки қисми сочга қўшилиб кетиши батафсил тушунтирилган.

Яна бир аёллар беағи бўлмиш – *баргакни* И.И. Гейер сочни ушлаб турувчи тақинчоқ сифатида таърифлайди [8]. Муаллиф, ушбу тақинчоқни бир-бирига текис чорсу шаклидаги узлуксиз занжир боғламига ўхшатган. Шунингдек, у ҳар бир шакл ўртасида атрофи фируза билан ўралган қимматбаҳо тош ўрин олганини, занжирнинг энг қуйи қисмидан аввалгисидан майдароқ иккинчи занжир уланганини, лекин бу қатордаги шаклларнинг тош бўлаги ва на нақшинкор қолипга эга эмаслигини, ҳар бир шаклга юрак шаклидаги кумуш боғламлар уланганини қайд этган.

Баргак биринчи қатордаги шаклларнинг қарама-қарши учларига боғланган иккита лента ёрдамида бошга ўрнатилган. Баъзида баргакка янада мураккаб шакл берилган. Бундай тақинчоқлар *тиллақош* деб аталган [8]. У иккита бир-бирига ўхшаш, эгри чизиклар шаклида ўйилган жуда катта кумуш пластинкадан таркиб топган. Юқорида тилга олинган юрак шаклидаги маржонлар унинг пастки четига ёпиштирилган. Тақинчоқнинг юқори четига эса, яна бир юқароқ пластинка ёпиштирилиб, мураккаб ва чиройли нақш ҳосил қилинган. Ушбу пластинка фируза ва қимматбаҳо тошлар билан қопланган.

Тадқиқотчи заргарлар тайёрлаган *туморлар* ҳақида ҳам тўхталиб ўтган [8]. Уни муаллиф кўзмунчоқлар сақлаш учун ғилоф сифатида таърифлаган. Ғилофлар одатда учбурчак шаклдаги, турли ўлчамдаги ясси кумуш қутилар бўлиб, унинг қарама-қарши бурчагига занжир боғланган бўлиб, ичига кўзмунчоқ солиб қўйилган. Туморлар кўпинча цилиндр шаклига эга бўлиб, учлари эса, юмалоқ ёки маржонсимон шаклда бўлган. У шунингдек, маржон ва илгаклар билан безатилган бўлиб асосан кийимга тақилган.

И.И. Гейер туркистонлик аёллар учун заргарлар томонидан бурун учун тақинчоқлар ясалганлигини қайд этиб ўтади. Бундай тақинчоқлар маҳаллий тилда “бурун булоқ” деб таърифлаган [8].

Тадқиқотчи *билак узук* ҳақида тўхталиб, уларни одатда жуда кенг ва қалин кумуш пластинка сифатида таърифлайди [8]. У чеккаси бўйлаб овал шаклида эгилган. Яқинлашувчи учлари эса, тўқ қизил ранг билан безатилган.

Шунингдек, муаллиф аёллар либосларида безак вазифасини бажриб келган тақинчоқлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтган. Хусусан, паранжилар учун кумушдан ясалган тугмалар одатда турли хажм ва шаклда бўлганлигини эътироф этган [8].

Асарда Тошкент заргарлари фойдаланган усуллар хусусида ҳам фикр билдирилган бўлиб, хусусан унда муаллиф басман техникасидан камроқ фойдаланганликларини қайд этиб ўтган. Шунингдек, маҳсулотларни безашда асосан, қопламали филиграндан фойдаланганликлари, дасталаб уни содда усулда ясаб, кейин рангли ойналар ёрдамида безаш учун ишлатганлар. Бу усул ёрдамида безакнинг бутун юзасини қоплашга ҳаракат қилинган. Асосий ранглар сифатида, қизил билан феруза ранги уйғунлашган қиррали ойна намоён бўлган. Услуб теккис ечим, деталларнинг парчаланиши ва ёрқин ранг-баранглик билан ажралиб турган. Рангли эритмада қоралаш, ўйма ва бўрттирма техникасидан фойдаланилган безаклар нафис кўринишга эга эди [8].

Муаллиф кўкрак (кўкрак-тумор) ва билакларга (бўйин-тумор) бирма-бир ёки жуфт бўлиб тақилган туморларда нафосат ўзига жалб этганлигини яширмаган. Туморлар, асосан, гипс ёки шунга ўхшаш бошқа қопламалар билан тўлдирилиб, кумуш юзасида қора ёки тилла билан юргизилган, ўсимлик нақшлари чизилган турли хил шаклдаги ичи бўш металл қутилар эди. Ушбу қутиларда асосан, Қуръоннинг ҳимоя кучи ва хайрли тақдирига умид қилиб, ундан кўчирмаларни сақланганлигини қайд этиб ўтган [8].

Муаллифнинг қайд этишича, XX аср бошидан Тошкентда кумуш билан ишловчи заргарлар камайиб борган. Бу даврда ҳунармандлар асосан, паст навли олтинни афзал кўра бошлаганлар. Шу даврдан бошлаб тошкентлик заргарлар Россиядан кўп миқдорда олиб келинган заргарлик буюмларининг рус ва татар шакллариининг қизиқа бошлаганлар. Натижада, анъанавий заргарлик санъати бадий сифатида ғарб элементлари кириб кела бошлаганлигини эътироф этган [12].

XIX аср охири — XX аср бошларида Бухоро, Самарқанд, Тошкент ва бошқа бир қатор йирик шаҳарлар заргарлик санъатида рангли ойналар, дабдабали контурлар ва эклектик услублар билан тўйинтириш истаги кучайган. Бу қисман Туркистонда рус ва татар заргарлик буюмларининг кенг тарқалиши билан боғлиқ бўлиб, тақинчоқларни маҳаллий ҳунармандлар кўрс билагли шаҳарликлар дидига монанд ясай бошлаганлар. Рус ва татар заргарларидан ўзлашган шакл асносида Тошкент, Бухоро, Самарқанд каби маҳаллий заргарлик мактабларига қашғар усулига яқин янги ўзгаришлар кириб келган [11].

Тадқиқотчини Туркистон анъанавий ҳунармандчилиги мактаблари тузилмаси ҳам қизиқиш уйғотган. Бошқа йўналишлар каби заргарлик соҳасида ҳам устоз-шогирд анъанаси сақланганлиги ҳамда ўз ақидавий китобига эга бўлганлиги алоҳида қизиқтириб қўйган. Шу аснода, муаллиф заргарлик соҳасига оид рисола китобини ўрганишга қарор қилган. Хусусан, у китобдан ўрин олган касб тарихи, мазкур касб тараққиётига хисса қўшган йирик намоёндалар, касбнинг минтақадаги ёналишлари, касбга оид одоб-ахлоқ меъёрлари, дуоларни қайд этиб ўтган. Барча усталар ўзлари билан “рисола”ни олиб юришлари, унга амал қилишлари, йилда бир маротаба бўлса ҳам уни ўқиб чиқишлари, агар ўқишни билмасалар саводи бор усталарга ўқиб беришни илтимос қилишлари кераклигини қайд этган [6].

XX асрнинг биринчи ярмида ўлкага рус саноатининг кириб келиши натижасида маҳаллий ҳунарманд устахоналаридаги жихозлар давр талабига жавоб бермаслиги, уларни янгилаш учун етарли маблағ бўлмаганлиги боис, кўп жихатдан заргарлар фаолияти харидорга боғланиб қолган эди. Яъни, ишлаб чиқариш кучлари маҳаллий истеъмолчиларнинг деярли барча талабларини қондира бошлагач, мазкур тармоқ ўлкада бир неча миллион рубль миқдоридаги пул айланмасига эга бўлиб олган эди [13].

Яна бир масала, рус маъмурлари заргарлик соҳаси тушумлари назоратини қўлга олиш мақсадида уларнинг тавсифланган савдо ҳажми ва рентабеллигини аниқлашга ҳаракат қилганлар. Шунини таъкидлаш жоизки, империя ҳукумати амалдорлари заргарларнинг йиллик айланмасини ва уларда қоладиган фойда ҳажмини аниқлай олмаганлар, аниқроғи заргарчилар билан бу масалада суҳбатлашиш бесамар кетган. Тегишли маълумотларни аниқлаш учун берилган саволларга уларнинг жавоблари катта ноаниқликлар келтириб чиқарган. Аслида, ишлаб чиқариш бирлашмаларнинг ҳолатини тавсифловчи аниқ рақамлар ёқлиги сабабли, заргарларнинг ўзлари ҳам кирим-чиқимларнинг аниқ ҳисобини юритмаган эдилар. Шу сабабдан масаланинг тижорат томони ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш учун, империя ҳукумати бошқа турдаги маълумотларга мурожаат қилишга мажбур бўлган.

Хусусан, статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, 1901 йил давомида маҳаллий усталарнинг эҳтиёжлари учун давлат банкининг Тошкент бўлими томонидан жами 498 фунт кумуш чиқарилган. Бир фунт кумушнинг нархи 19 рубл бўлганлиги инобатга олинса, бу 9462 рублни ташкил қилган [9]. Аммо бу рақам заргарчи устахоналарига кирадиган барча кумушларнинг қийматини ифодаламаган. Чунки уларнинг маълум қисми маҳаллий аҳолидан хурда шаклида олинган. Энг камтарона ҳисоб-китобларга кўра, кумушнинг миқдори заргарчи устахоналарига йил давомида 10.500 рубл миқдоридagi қайта ишланган кумушнинг 10-15 фоизини ташкил қилган. Кейинги ҳисоблаш учун асос сифатида заргарчи ўз материалидан буюртма берган кумуш буюмлар учун оладиган тўловни қабул қилинган. Ушбу тўлов деярли барча ҳолатларда бир хил бўлиб, қайта ишланган материал нархига тенглаштирилган.

Шундай қилиб, меҳнатга ҳақ қўшилиши билан юқоридаги миқдор икки баравар қўпайган ва тавсифланган тармоқда йиллик айланманинг умумий миқдори тахминан 21 000 рублни ташкил қилган. Барча заргарчиларнинг умумий даромадини 10.000 рублни 70 та муассаса ўртасида тақсимланса, уларнинг ҳар бири учун йилига тахминан 150 рубл ёки кунига тахминан 50 тийин миқдорида бўлганлигини аниқлаш мумкин [9].

Бу рақам Тошкент ҳунармандлари улушига тўғри келадиган даромаднинг умумий паст даражасига жуда яқин келади ва шунинг учун умумий маънода юқоридаги ҳисоб-китобларнинг тўғрилигини тасдиқлайди.

Ишлаб чиқаришнинг эски тизимларини сақлаб қолган маҳаллий ҳунарманд бозор талабларига жуда сезгир ва такомиллаштирилган меҳнат қуроқларини жорий этишдан чўчимаган. Чунки бу уни ишлаб чиқариш кучлари учун зарур деб билган. Буни маҳаллий аҳолининг ҳаётида номаълум, аммо европалик истеъмолчилар томонидан талаб қилинадиган нарсаларни ишлаб чиқарадиган кўплаб устахоналарнинг вужудга келганлиги билан исботлаш мумкин.

4. Хулосалар:

XIX аср охири – XX аср бошларида ўлкани мстамлакага айлантирган рус маъмурлари Туркистон ҳудудидаги табиий бойликлар захирасини тадқиқ қилиш баҳонасида маҳаллий заргарлик фаолиятини ҳам тадқиқ қилганлар. Бундан кўзланган мақсад, энг аввало, миллий бойликларни қўлга киритиш бўлса, иккинчи тарафдан маҳаллий аҳоли анъанавий ҳунармандчилик соҳасини ўрганиш орқали ўлка ҳақидаги тасаввурини кенгайтиришдан иборат эди. Иккинчи тарафдан, шубҳасиз, мазкур тадқиқотлар бугунги кунда ўлка музейлари жамғармаларида сақланиб келадиган мазкур даврга оид заргарлик буюмларига оид муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Иқтибослар/Сноски/ References:

1. Д. Краевский. О поисках золота в Туркестанском военном округе, в Сир-дарьинской области, в 1866-1867 г. // Туркестанский сборник. Т. XVI. – СПб., 1869. – С. 224-230. (D. Kravevski. About the search for gold in the Turkestan military district, in the Sir-Darya region, in 1866-1867. // Turkestan collection. Chapter XVI. – Sankt Peterburg, 1869. – P. 224-230.)

2. М.А. Терентьев. Статистические очерки Средне-Азиатской России. – СПб., 1874. – С. 129. (M.A. Terentyev. Statistical essays on Russian Central Asia. – Sankt Peterburg, 1869. – P. 129.)
3. Н.А. Маев. Азиатский Ташкент // Материалы для статистики Туркестанского края. Вып. IV. – СПб., 1876. – С. 260-313. (N.A. Mayev. Asian Tashkent // Materials for statistics of the Turkestan region. Edit. IV. – Sankt Peterburg, 1876. – P. 260-313.)
4. А.П. Хорошхин. Сборник статей, касающихся Туркестанского края. – СПб., 1876. – С. 532. (A.P. Horoshhin. Collection of articles concerning the Turkestan region. – Sankt Peterburg, 1876. – P. 532.)
5. Сырдарьинская область. Описание, составленное по официальным источникам, Е. Смирновым. – СПб.: «Типография М.М. Стасюлевича», 1887. – С.8. (Syrdarya region. Description compiled according to official sources, by E. Smirnov. – Sankt Peterburg: “M.M. Stasyulievich’s printing house”, 1887. – P.8.)
6. И.И. Гейер. Путеводитель по Туркестану (с двумя картами и одним портретом). Издание I. – Ташкент: Типолитография В.М. Ильина, 1901. – С.255. (I. I. Geyer. Guide to Turkestan (with two maps and one portrait). Edit. I. – Tashkent: “V.M. Ilyin’s Typolitography”, 1901 – P. 255.)
7. В.Н. Вебер. Геологические исследования в Сырдарьинской области в 1904 г. (Предварительный отчет). Площадь в Ташкентском уезде. // Известия геологического комитета. Т. XIV. – СПб.: «Типография К. Биресифельда». 1905. – С. 348-369. (V.N. Weber. Geological research in the Syrdarya region in 1904 (Preliminary report). Square in Tashkent district. // Proceedings of the Geological Committee. Chapter XIV. – Sankt Peterburg: “Printing house of K. Biresifeld”, 1905. – P. 348-369.)
8. И.И. Гейер. Туркестан. Издание второе. Исправленное и дополненное автором. – Ташкент: Типография Туркестанского Т-ва печатного дела, 1909. – С. 127-139. (I. I. Geyer. Turkestan. Second edition. Corrected and supplemented by the author. – Tashkent: “Printing house of the Turkestan partnership of printing business”)
9. Г. Головин. Кустарные промыслы Ташкента – Ташкент, 1909. – С. 16. (G. Golovin. Handicrafts of Tashkent. – Tashkent, 1909. – P. 16.)
10. В.Н. Вебер. Полезные ископаемые Туркестана. – СПб.: «Типография А.В. Орлова», 1913. – С. 71-86. (V.N. Weber. Minerals of Turkestan. - Sankt Peterburg: “Printing house A.V. Orlova”, 1913. – P. 71-86.)
11. Г.К. Отарбаева. Краткая историография истории города Ташкента и ее классификация // Вестник Полоцкого государственного университета. №1. Серия А. 2013. С. 95-101. (G. K. Otarbayeva. Brief historiography of the history of the city of Tashkent and its classification. // Bulletin of Polotsk State University. №1. Seria A. 2013. P. 95-101.)
12. Н.И. Юлдашова. Ювелирное искусство в Узбекистане. История и современность // Academic research in educational sciences. volume 2 | issue 4 | 2021. P. 1362-1370 (N. I. Yuldasheva. Jewelry art in Uzbekistan. History and modernity. // Academic research in educational sciences. volume 2 | issue 4 | 2021. P. 1362-1370)
13. А. Хакимов История искусств Узбекистана. Древность, средневековья, современность [Текст] Ташкент: “Zilol buloq”, 2022. - С. 528 (A. Hakimov. Art History of Uzbekistan. Antiquity, Middle Ages, Modernity [Text] Tashkent: “Zilol buloq”, 2022. – P. 528.)

ЎТМИШГА НАЗАР

6 ЖИЛД, 9 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 6, НОМЕР 9

LOOK TO THE PAST

VOLUME 6, ISSUE 9

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000